



Аёлларни жалб қилган ҳолда сунъий интеллектга асосланган ва иқлим жиҳатдан мақбуллаштирилган асаларичилик ва барқарорликни оширишга йўналтирилган

Ўзбекистонда асаларичилик соҳасини ривожлантириш

«Аёллар учун сунъий интеллект воситасида бошқариладиган иқлим жиҳатдан мақбуллаштирилган асаларичилик» - асаларичилик тармоғидаги инновацион лойиҳа ҳисобланиб, Ўзбекистонда 20 нафар аёл-асаларичиларни ҳамкорликка жалб қиласди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади озиқ-овқат хавфсизлиги ҳаётйи мұхим күрсаткышлари, асалари оиласи смломатлиги ва атроф мұхит ҳолатларини таққослаш асосида асалари оиласи саломатлиги ва маҳсулдорлигини яхшилаш, маҳаллий қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига барқарорлигини оширишдан иборат

Германиянинг Федерал ташқи ишлар вазирлиги томонидан молиялаштирилаётган, сунъий интеллектга асосланган асаларичиликни ривожлантириш лойиҳаси, асал ишлаб чиқаришни кўпайтириш, асалари саломатлиги ва атроф-мұхит ҳолатини яхшилаш соҳасида илфор тажрибалар билан алмашишга ёрдам беради.

Лойиҳа ушбу жараёндан фойдаланувчи асаларичилар ва манфаатдор томонлар иштирокига йўналтирилган, кенг қамровли, маҳаллий шароитларга мослаштирилган асаларичилик бўйича ишлаб чиқилган илова шарофати билан амалга ошириш мумкин бўлмоқда.

Илова асалари оиласи саломатлиги ҳолатини яхшилаш ёки асаларичиликнинг янги усусларини ўрганиш каби белгиланган мақсадлар билан мувофиқида асаларичилик вазифаларини кузатиб боради ва уларни бошқаради. Сўнгра илова минтақавий асаларичиларнинг маҳаллий билимларини бирлаштиради ва умумлаштиради, иқлим ва флора ҳамда асалари оиласи индивидуал ўзига хос хусусиятларга мослаштирилган маслаҳатларни тақдим этади.

Илова маҳаллий шароитларга мослаштирилган ва гендер жиҳатларни инобатга олади. У шунингдек, фойдаланувчига ва инклюзив жараёнга йўналтирилган бўлиб, бу асаларичиларга ҳақиқий вақт тартибида асаларичилик жамоаларининг ҳолати ҳақида маълумотлар олишга имкон яратади. Бундан ташқари, ушбу платформа манфаатдор томонларга асалари оиласи саломатлиги ҳолатини назорат қилиб бориш, асаларичилар муваффақитлари ва ривожланиш ҳолатларини кузатиб бориш имконини беради-ки, бу ҳол ушбу тармоқни оммалаштиришга, асаларичиларнинг бозорга чиқишлигини енгиллаштиради.

Лойиҳанинг мақсади


Рақамили саводхонликни ва асаларичиликни кузатиб бориш бўйича иловандан фойдаланишни қўллаб-куватлаш

Асаларичилик ва асалари уясини бошқариш самарадорлигини ошириш

Асаларичиликни ривожлантириш воситасида иқтисодиёт диверсификациялаш ва асаларичилар жамоалари турмуш тарзини яхшилаш

Асаларичилик, қишлоқ хўжалиги ва атроф-мұхит санитар ҳолатини ривожлантириш бўйича маълумотлар ва индексларни ишлаб чиқиш учун билимлар базасини шакллантириш

Иқлимий шароитлар билан биргаликда кўриқдан ўтказиш тез-тезлиги ва турлари кенг маълумотларни таҳлил қилинишига асосланган асаларичилик маҳсулотининг ноёб профили – асал ишлаб чиқариш.



Илова асаларичиларга асалариларни қандай ва қачон озиқлантириш, уларни даволаш ва асалари уясини кўриқдан ўтказишни билишларига ёрдам беради.



Qiyinchilik

Асалари оиласлари ва қишлоқ хўжалик ўсимликларини бошқа чанглатувчи-ҳашаротларнинг саломатлиги ҳолатини ёмонлашиши био-хилмажиллик ва озиқ-овқат хавфсизлиги учун хавф туғдиради.

Асаларилар ва қишлоқ хўжалик ўсимликларининг бошқа чанглатувчи-ҳашаротлари саломатлиги ҳолати ёмонлашмоқда, бу био-хилмажиллик учун хавф туғдирмоқда. Бир вақтнинг ўзида асаларичилар ўқув материалларидан фойдаланиш имконига эга эмаслар, шаффоф бўлмаган ишлаб чиқариш-савдо занжирлари эса, уларнинг бозорларга кириш ва кун кечириш учун зарур маблағлар манбанини мустаҳкамлаш жиҳатидан имкониятларини чеклади.

Биз асаларичиларга кун кечириш учун зарур маблағлар манбанини қўллаб-қувватлаб ва замонавий маълумотларга асосланган маҳаллий жамоа билимлари ёрдамида табиий экотизимни сақлаб қолиб, микроэлементларнинг катта таркибига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини чанглатилишини яхшилаш имкониятини тақдим этамиз.

Imkoniyat

Жамоа тажрибасини ривожлантириш учун жамоа маълумотлари

Ҳақиқий вақт тартибида барча асаларичилардан келиб тушувчи асаларилар ва атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақидаги марказлаштирилмаган маълумотлар, агрегирланади ва асаларичиллик билан боғлиқ бўлган ўн йиллик тадқиқотлар ва илмий маълумотларга асосланган алгоритмлар орқали ўтади.

Атроф-муҳит шароитлари, ҳамда шахсий омилларни инобатга олган ҳолда ҳар бир фойдаланувчини гуруҳлаб, илова ҳар бир асаларичига фойда келтирувчи жамоа ақл-заковатини юзага келтиради.

Асаларилар ҳақидаги маълумотлар платформасига манбаатдор томонларнинг кириш имконияти/шароити иловани янги тармоқларда ва соҳаларда қўллаш имконини бермоқда.

Босқичлар

APREL

Биринчи тимсол

MAY

фойдаланувчилик синови

IYuN

старт иловасини ишлаб чиқиш

IYuN

MVRни ишга тушириш

IYUL

иловаларн и маҳаллий қўлланилиши

DEKABR

таъсир ҳақида маълумотларни тақдим этиш



"Тижорат асосида етиштирилувчи ўсимликларнинг 75%и асаларилар ва бошқа чанглатувчи-ҳашаротлар томонидан чанглатилади. Асаларичиллик ҳосилдорликни ошириш ва микроэлементларга бой маҳсулотларни сифатини яхшилаш ҳисобига туманлардаги одамлар учун озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини бир вақтда пасайтириш орқали ишчи ўринларни яратмоқда."

Босқичлар

Max Rünzel,
HIVETRACKS, CEO
max@hivetacks.com

Laura Becker
Enrico Bonaiuti
ICARDA-MEL@cgiar.org

